



Ўзбекистон ва Покистон: муносабатларнинг янги босқичи — СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон 15 июль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кўтиб олди.

Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Икки мамлакат Бош вазирлари пойтахтимизда ташкил этилган Ўзбекистон — Покистон бизнес форумида иштирок этди.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ришталар бугунги кунда тарихий илдизлардан куч олиб, янада ривожланмоқда. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар, Муҳаммад Иқбол, Мирзо Ғолиб сингари улўф мутафаккир ва шоирларнинг ўлмас мероси, маърифий қарашлари халқларимизни боғлаб турадиган мустаҳкам маънавий кўприқдир.

Шу сабабли Покистон Бош вазирининг мазкур ташрифига муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очадиган муҳим сиёсий воқеа, деб қаралмоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кўтиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон тор доирада музокара ўтказди.

Президентимиз олий мартабали меҳмоннинг Ўзбекистонга илк ташрифи икки томонлама шериклигининг янги даврини бошлаб берганини таъкидлади.

— Покистон бизнинг вақт синовидан ўтган муҳим ҳамкоримиз. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган. Бугун биз уларни стратегик шериклик даражасига кўтарамиз. Ҳозирги мураккаб вазиятга қарамадан, ҳамкорлигимиз жадал суъратларда ривожланмоқда. Барча соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Покистон Бош вазири Ўзбекистонда бўлиб турганидан мамнунлигини айтиб, бу пандемия бошланганидан буён унинг илк хорижий ташрифи эканини таъкидлади.

Учрашувда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлигини, айниқса, инвестициялар ва йирик минтақавий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш йўналишида мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама мулоқот ва алоқалар анча фаоллашди. Шавкат Мирзиёев билан Имрон Хоннинг 2019 йилда Пекин ва Бишкекда ўтган учрашувлари, шу йил апрелдаги онлайн саммити икки мамлакат учун янги истиқболлар очди. Ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасидаги ташрифлар натижасида алоқалар амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

Учрашувда сиёсий маслаҳатлашувлари, олий ва юқори даражадаги мулоқотни доимий ўтказиб боришга келишиб олинди. Алоқаларни кенг қўламда

ривожлантириш учун Стратегик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилар экан, томонларнинг позицияси бир хил ёки ўхшаш экани тасдиқланди.

Икки мамлакат халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида у ерда барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдор экани таъкидланди. Бу минтақада транспорт йўлакларини барпо этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантириш учун имконият яратди.

Ўзаро савдо айланмасини кўпайтириш, бунинг учун карго-авиакатновларини йўлга қўйиш, икки томонлама имтиёз ва преференциялар бериш масалалари муҳокама қилинди.


Минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш, ҳарбий-техникавий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Имрон Хон самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини Покистонга ташриф билан боришга таклиф этди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашув ўтказди.



Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат етакчилари афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилишнинг имкони йўқлигини яна бир бор таъкидлаб, инклюзив афғонлараро музокаралар тез фурсатда қайта тикланишининг тарафдори эканликларини қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Афғонистонда барқарор тинчликка эришилишига фаол қўмаклашишга тайёрглигини тасдиқлади.

Томонлар икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Пандемияга қарамай, жорий йилнинг беш ойи якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 50 фоизга ортди. Ўзбекистонда Афғонистон сармояси иштирокида 160 та янги корхона ташкил этилди.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқлиқни мустаҳкамлаш баробарида, Афғонистоннинг транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган қўшма транспорт ва энергетика

инфратузилмаси лойиҳаларини, хусусан, “Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли ва янги “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш линиясини барпо этиш лойиҳаларини янада илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, эришилган келишувларни амалга ошириш борасида қатъий эканликларини қайд этдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Вазир Ван И давлатимиз раҳбарига ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди. Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини ривожлантириш

борасидаги ташаббуси юксак баҳоланди ва қўллаб-қувватланди, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган конференция муваффақиятли бўлишига ишонч билдирилди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник, маданий-гуманитар соҳалар ва кўп қиррали

ҳамкорлиқнинг бошқа йўналишларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Пандемияга қарши курашда яқиндан ҳамкорлиқни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Халқаро кун тартиби, шу жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, фитосанитар ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, минерал ўғит ва кимёвий воситаларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш тизимини тўлиқ хусусий секторга ўтказиш, ташқи бозорда маҳаллий қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, минерал ўғитлар ва агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси

негизда **Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ташкил этилсин.**

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёхимоя” АЖлар акциядорларининг:

“Ўзагрокимёхимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёхимоя” АЖлар;

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя

қилиш воситаларини синондан ўтказиш ва рўйхатга олиш бўйича **давлат комиссиясини тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин;**

“Ўзагрокимёхимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёхимоя” АЖларни тугатиш бўйича **Республика комиссияси** (кейинги ўринларда — Тугатиш комиссияси) **таркиби 1-иловага мувофиқ** ва унинг **ҳудудий комиссияларининг** (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссия) **намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ АГЕНТЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўсимликларни зарарли организмлардан ишончли ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ — 6262-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
2021-2024 йилларда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини ривожлантириш бўйича **“Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;**

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси **агентлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;**

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги **марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;**

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг **тузилмаси 4-иловага мувофиқ;**
Вилоятлар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг **намунавий тузилмаси 4а-иловага мувофиқ;**

Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг **тузилмаси 4б-иловага мувофиқ;**

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси **туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

2. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро битимлари бўйича **ҳуқуқий вориси ҳисобланади.**

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон ва Покистон: муносабатларнинг янги босқичи — стратегик шериклик

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва транзит, туризм соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги аънаваный дўстлик ва кўп қиррали амалий ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани, ҳар иккала мамлакатнинг тараққиётга эришиш йўлидаги ислохотлари ҳам бир-бирига ҳамоҳанг ва ўхшаш эканини таъкидлади.

— Дунёда юксак нуфузга эга Покистон Ўзбекистон учун салоҳиятли ва истиқболли ҳамкордир. Сиз билан биз “Ная Пакистон” ва Янги Ўзбекистонни қураямиз. Иқтимоий йўналишрилган ислохотларимизнинг мазмуни ва руҳи бир-бирига ўхшаш ва уйғундир. Сизнинг ушбу ташрифингиз кўпқиррали муносабатларимиз тарихида янги даврни бошлаб беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги шериклиқни кенгайтириш ва ривожлантиришда интилишлари қатъий экани ва бу борада аниқ чораларни кўришга тайёргилини қайд этдилар.

Кейинги даврда ўтган учрашувлар ҳамда онлайн-саммитдан сўнг ўзаро муносабатларда катта силжишга эришилди. Кўпқиррали мулоқотлар ва маданий алмашинувлар фаоллашди.

14 июль куни Ҳукуматларо қўшма комиссия йиғилиши ўтказилди. Покистон Бош вазирининг ташрифи доирасида пойтахтимизда биринчи марта Ўзбекистон ва Покистон ишбилармонлари бизнес форуми ташкил этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида савдо ҳажми тўрт баробар ўсди. Қўшма корхоналар сони деярли юздан ортиққа кўпайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда покистонлик инвесторлар томонидан ташкил этилган 163 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Покистон Жанубий Осиё ва жаҳоннинг йирик бозорларига чиқишда Ўзбекистон учун муҳим кўприк вазифасини ўтайди. “Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлининг

қурилиши нафақат савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантириш, балки минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлиқни кучайтиришга хизмат қилади.

Жорий йил февраль ойида Тошкентда Афғонистон, Покистон ва Ўзбекистон делегациялари халқаро молия институтлари вакиллари иштирокида ушбу улкан лойиҳани муҳокама этиб, темир йўлни қуриш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”)ни имзолаган эдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз савдо-иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта салоҳиятга эга экани, ўзаро савдо ҳажмини 4-5 баробар кўпайтириш учун шароит борлигини таъкидлади.

Қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик ва қурилиш, фармацевтика ва кимё, енгил саноат ва бошқа устувор соҳаларда кооперацияларни ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилди. Ушбу соҳалардаги лойиҳалар яқин ҳамкорликда амалга оширилса, Ўзбекистон ва Покистон иқтисодиёти учун янги имкониятлар очилади.

Музокарада бундай лойиҳаларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва тез ғурсатларда амалга ошириш учун барча зарур ёрдам ва имтиёзларни беришга келишиб олинди.

Худудларо ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Жорий йил февраль ойида Панжоб губернатори юртимизга ташриф билан келди. Наманган вилояти делегацияси Панжоб ва Синд провинцияларида бўлди.

Учрашувда икки мамлакат бошқа вилоятларини ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари билан боғлаш зарурлигига эътибор қаратилди. 16 июндан Тошкент ва Лаҳор ўртасида авиакатнов тикланди. Янги ҳаво йўналишларини йўлга қўйиш юк ташкилларнинг кенгайиши ва ўзаро туризмнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистондаги салбий вазиятнинг авж олишига йўл қўймаслик учун биргаликдаги сазй-ҳаракатларни ишга солишга, афғонларро тинчлик музокараларини қайта тиклашда кўмаклашишга тайёргили қайд этилди. Ҳавфсизлик соҳасида қўшма ғуруҳ тузиш, унинг ил мажлисини Тошкентда ўтказиш таклифи билдирилди.

Учрашувда маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, муштарак маънавий

меросимизни биргаликда ўрганиш, илм-фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлиқни кучайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистонда Покистоннинг бой тарихи, маданияти ва санъатига, хусусан, урду тилини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Шарқнинг буюк шоири, урду адабий тилига асос солган улуғ мутафаккир Мирзо Ғолибнинг ҳаёти ва ижоди чуқур ўрганилмоқда.

Ўз навбатида, Покистонда ҳам ўзбек тили ва адабиёти, мамлакатимиз тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган лойиҳаларга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Панжоб университети қошида Бобур мероси маркази, Пешовар университетида ўзбек тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Алишер Навоий маркази очилган.

Юртимизда Лаҳордаги бетакорр Шоҳ қалъа меъморий мажмуасини, гўзал Шалимар боғларини зиёрат қилишни истайдиган одамлар кўп-лаб топилади.

Бугунги кунда Покистонда 10 миллионга яқин нақшбандия тарикати вакиллари, шунингдек, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг қўлаб муҳлислари бор. Уларнинг Бухорои шариф, Самарқанд ва Андижондаги табаррук қадимжоларга зиёрат сафарини амалга ошириши учун барча шароитларни яратиб беришга тайёргили билдирилди.

Икки мамлакат киноижодкорлари ҳамкорлигида Бобур бобомиз ҳақида фильм суратга олишга келишилди.

Инсон саломатлигини асраш йўлида тиббий таълим соҳасида ҳамкорлиқни кучайтириш ҳалқаримиз манфаатларига хизмат қилиши табиийдир. Шу жиҳатдан, сўнгги уч йилда покистонлик ёшларнинг Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юрларида таҳсил олишга бўлган қизиқиши ортиб бораётгани кувонарли. Айни пайтда мамлакатимизда 750 дан ортиқ покистонлик ёшлар мазкур йўналишда таълим олмақда.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги бундай муносабатлар халқларимизнинг бир-бирига бўлган самимий интилиши, ўзаро ҳурмат ва эътибори ифодаси экани алоҳида қайд этилди.

Музокаралар якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Ташриф доирасида имзоланган 8 та ҳужжат алмашилди. Транзит ва савдо тўғрисидаги ҳамда Ишбилармонлар ва сайёҳлик ғуруҳлари учун виза тартибларини соддалаштириш тўғрисидаги ҳукуматларо битимлар улар орасида алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, Мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида протокол, 2021-2026 йилларга мўлжалланган Маданий алмашув дастури, давлат чегарасидан олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисида баённома, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Покистон дипломатик хизмат академияси ўртасида англашув меморандуми мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ташриф доирасида Ҳукуматларо комиссия мажлиси ҳамда Ўзбекистон — Покистон бизнес форумида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган шартномалар имзолангани маълум қилинди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчиларининг музокаралари якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг расмий ташрифини давлатларо муносабатлар тарихида янги саҳифа очадиган муҳим сиёсий воқеа, деб баҳолади.

— Кўп қиррали алоқаларимиз охириги йилларда сифат ва мазмун жиҳатидан юқори босқичга кўтарилиб бораётгани бизни мамнун этади. Ҳозиргина яқунланган тор ва кенгайтирилган доирадаги музокаралар дўстлик ва ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлидаги интилишларимиз қатъий эканини исботлади. Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигининг бугунги юқори даражасидан келиб чиқиб, давлатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладик. Бу муҳим қадам алоқаларимиз тарихида янги даврни бошлаб беради, деб ишонч билан айта оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

— Бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим, иншооллоҳ, охиригиси бўлмайди. Биз жаноб Президент билан жуда кенг қамровли мулоқот қилдик. Суҳбатимиз ғоятда самимий бўлгани ва узоқ давом этганидан унинг охирига бориб мен ўзбекчани тушуна бошладим. Чунки урду

тили билан ўзбек тили бир-бирига яқин. Бугунги кунда Покистон ва Ўзбекистонда аҳолининг қуйи қатламларига эътибор қаратиш, камбағаллиқни қисқартириш, таълимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамоҳанг. Биз савдо-иқтисодиёт, транспорт, таълим, маданият, туризм соҳаларидаги имкониятларни атрофлича муҳокама қилиб, стратегик келишувларга эришдик, — деб таъкидлади Имрон Хон.

Ўзаро ишонч ва очиклик, самимий ва амалий ружда ўтган самарали музокараларда шериклиқнинг янги имкониятлари кўриб чиқилиб, “ўсиш нуқталари” белгилангани қайд этилди. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробар ўсгани, келгусида ушбу рақамларни яна тўрт-беш баробарга ошириш бўйича келишиб олингани таъкидланди.

Транзит ва савдо тўғрисидаги битим режалаштирилган улкан мақсадларга эришишга хизмат қилади. Қишлоқ ҳўжалиги, уруччилик ва чорвачилик, машинасозлик ва қурилиш, фармацевтика ва кимё, енгил саноат ва бошқа устувор соҳаларда янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, худудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга келишилгани маълум қилинди.

“Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли қурилиши масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилгани қайд этилди.

Ҳавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга келишиб олингани айтилди. Томонлар нуфузли ҳалқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида бир-бирини қўлаб-қувватлашни давом эттиришини тасдиқладилар.

Шунингдек, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик истиқболларига тўхталиб ўтилди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Олий мартабали меҳмон 16 июль куни Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этди. Шунингдек, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилиш кўзда тутилган.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА МУХБИРИ

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ: МУЛОҚОТ ВА ҒОЯЛАР АЛМАШИНУВИ УЧУН МАЙДОН

Пойтахтимизда Ўзбекистон – Покистон бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда бўлиб турган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида форумга ташриф буюрди ва иштирокчиларга омад тилади.

Бизнес-форумда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик, идора ва тармоқ бирлашмалари раҳбарлари ҳамда икки мамлакат ишбилармон доираларининг 300 дан зиёд вакиллари иштирок этди.

Бизнес-форум илк бор ва айнан Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида ўтказилгани билан аҳамият-лидир.

Ушбу ташриф ва Олий даражадаги учрашув ҳамда музокаралар мамлакатларимиз ҳамкорлигида барча тармоқларни қамраб оладиган янги саҳифа очили, кўп қиррали Ўзбекистон – Покистон шериклигини ривожланти-

ришга кучли туртки бериши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини қўлаб-қувватлаш ва инвесторлар учун қулай муҳит яратиш бўйича кўрилаётган чоралар эътироф этилди. Солиқни тартибга солиш соҳасини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт шаффофлигини ошириш, ер майдонларини ажратиш тартиб-таомилларини, хорижий инвесторларни ҳукукий жиҳатдан қимом қилиш механизмларини такомиллаштиришда ва бошқа соҳалардаги ютуқлар санаб ўтилди.

Охириги йилларда Ўзбекистон ва Покистон ўртасида товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошиб бормоқда. Пандемияга қарамай, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2019 йил даражасида сақлаб қолинди.

Шу билан бирга, бу Ўзбекистон ва Покистон иқтисодий салоҳияти ва им-

кониятларини мутлақо акс эттирмаслиги қайд этилди.

Афсуски, ўзаро савдо айланмасида айрим маҳсулотларнинг улуши салмоқлигична қолмоқда. Мисол учун, Ўзбекистонга Покистонга экспорт қилинган иккита маҳсулот – дуккакли маҳсулотлар ва йиғирилган пахта ипи жами экспортнинг деярли 90 фоизини ташкил этмоқда.

Шунингдек, Покистондан импортнинг 80 фоиздан ортиги картошка, цитрус мевалар ва дори воситалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун кимё, электротехника, машинасозлик, чарм, ипак саноати каби соҳаларда катта имкониятлар мавжудлиги айтилди.

Бундан ташқари, саноат кооперацияси икки томонлама ҳамкорлиқнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда Покистон капитали иштирокидаги корхоналар сони қарийб икки

бараварга кўпайган ва 163 тани ташкил этмоқда.

Ҳамкорлиқни ривожлантириш учун жуда кўп йўналишлар мавжуд. Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, фармацевтика саноати, тўқимачилик ва чарм саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш шулар жумласидан.

Форум доирасида вазирлик ва идоралар раҳбарларининг тақдироти бўлиб ўтди. Уларда туризм, енгил саноат, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика, кимё саноати соҳаларида ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари намо-йиш этилди.

Форум якунида инвестиция лойиҳаларини ва савдо битимларини амалга ошириш бўйича қатор ҳужжатлар имзо-ланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА МУХБИРИ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Тошкент конференцияси Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари учун муҳим аҳамият касб этади

“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик.

Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда чет эллик экспертлар “Дунё” ААга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Фуджияма ЁШИНОРИ,

Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулотда ва мухтор элчиси:



Аввало, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш бўйича ташаббусини Япония ҳукумати қатъий қўлаб-қувватлашни таъкидлашни ис-тар эдим.

Минтақанинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш нафақат минтақавий иқтисодиётнинг барқарор ривожлани-ши, балки халқаро ҳамжамият барқарорлиги ва фаровонлиги учун ҳам ўта муҳимдир. Шу нуктаи назардан, мен ушбу конференция бениҳоя муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Минтақавий ўзаро боғлиқлиқни яхшилашга транспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш учун инфратузилмани ривожлантириш, товарлар ва одам-ларнинг ҳаракатланиши учун божхо-на тартиботларини соддалаштириш, сингари самарали ва мақбул ташаб-бусларни илгари суриш ҳисобидан эришилади. Ҳаракатланиш ва юк ташилишининг тегишли равишдаги

назоратини таъминлаш нуктаи наза-ридан Япония Ўзбекистон жанубида темир йўллар ривожланишига кумак кўрсатгани ва божхона идораларига инспекция ускуналарини тақдим эт-гани ҳолда, БМТ Наркотиклар ва жи-ноятчилик бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда Марказий Осиё мамла-катлари чегараларида Чегара назо-рати офисини очди.

Яна бир ўта муҳим омил инсон ресурсларини ривожлантириш ҳи-سوبланади. Бунга Япония кўп йил-лардан бери ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Япония ёш давлат хиз-матчилари учун стипендия дастур-ларини тақдим этишни давом эттир-моқда. Бугунги кунга қадар Марказий Осиёнинг 668 нафар ёш давлат хиз-матчиси мамлакатимизда малака оширди. Япония халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги (JICA), молия ва-зирлиги, адлия вазирлиги, Нағоя уни-верситети кенг қамровли соҳаларда, жумладан, божхона жабҳасида ўқув курсларини ўтказдики, булар ўзаро боғлиқлиқни оширишда муҳим урин-тутади. Ишончим комилки, бундай

инсон ресурсларини ривожлантириш самарали давлат бошқарувини таъ-минлайди ва жозибали ишбилармон-лик муҳитини ривожлантиришга олиб келади.

Бундан ташқари, 2004 йили Япо-ния минтақавий ҳамкорлиқни қўла-б-қувватлаган ҳолда, “Марказий Осиё+Япония” мулоқотини бошлади. Биз Ўзбекистоннинг ушбу ташаббус доирасидаги ижобий ҳиссасини юқо-ри баҳолаймиз. Яқинда Афғонистон иштирокида бўлиб ўтган ташки ишлар вазирлари учрашувида минтақавий ҳамкорлик, жумладан, чегара назора-ти бўйича фикр алмашувлар бўлди.

Шу тариқа Япония турли соҳа-лардаги минтақавий ўзаро боғлиқ-лиқни ошириш учун чора-тадбирлар кўрмоқда. Умид қиламанки, ушбу конференция Марказий Осиё мам-лакатлари замонавий цивилизация чоррахаси сифатида шерик давлат-лар билан ҳамкорликда бундан кейин ҳам эркин, очик ва барқарор минтақа сифатида раванқ топади.

“Дунё” АА



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман, минтақа давлатларининг ташки ишлар вазирлари, халқаро ташки-лотлар вакиллари, экспертлар ва бошқа юқори мартабали меҳмон-лар иштирок этди.

Тадбир аввалида Т.Норбоева Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё халқаро институти очилиш маросими қатнашчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари табригида қайд этилганидек, мазкур институ-тутни ташкил этиш хозирги замон, минтақавий ривожланиш ва тарихий давр талабидир. Бу Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлиқни чуқурлаш-тиришга қаратилган ташки сиёсий йўлини давом эттириш тарафдори эканининг амалий тасдиғидир.

Дарҳақиқат, мазкур институт, энг аввало, минтақа давлатлари ҳамкор-лигини ҳар томонлама кенгайтириш-га қаратилган стратегия ва дастур-ларнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш, уларни илмий асосланган ҳолда чуқур таҳлил ва тадқиқ қилиш билан шугулланади.

Маросимда сўзга чиққанлар маз-кур институти Ўзбекистон Республи-каси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилганини алоҳида эътироф этди.

— Аввало, Президент Шавкат Мирзиёевга минтақа тинчлиги ва та-раққиётига қаратилган ушбу халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси билан чиқгани учун миннатдорчилик билдираман, — деди Наталья Гер-ман. — Марказий Осиё халқаро ин-ститутининг очилиш маросими ушбу форум доирасида ўтказилаётганида ҳам раъсий маъно бор. БМТ Марка-зий Осиё давлатлари раҳбарининг сиёсий иродаси ва етакчилиги нати-жасида минтақа давлатлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлиқни юксак ба-ҳолайди. Ушбу жараёни ривожлан-тиришда минтақавий ҳамкорлиқни ўз ташки сиёсатининг устувор йўналиш-ларидан бири этиб белгиланган Ўзе-бекистоннинг ўрни катта, албатта.

Марказий Осиё халқаро институти минтақа давлатлари ўртасидаги ало-қаларни мустаҳкамлашга қаратилган изланишлар, Марказий Осиё ҳавф-сизлиги билан боғлиқ турли бошқа таҳдид ва муаммоларни самарали ҳал этишга қаратилган тизимли тад-қиқот ишларини йўлга қўяди. Бун-дан ташқари, қўшни давлатларнинг ташки сиёсат концепция ва мақсад-ларини таҳлилий ёндашувлар асо-сида пухта ўрғанади, минтақавий аҳамиятга эга бўлган турли лойиҳа-ларни батафсил таҳлил қилади.

Тадбир иштирокчилари инсти-тутда ташкил этилган музей, у ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишиди.

Аваз ХУДОЙҚУЛОВ, ЎЗА МУХБИРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

РЕСПУБЛИКАДА ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Тугатиш комиссияси (Ш.М. Фаниев): уч ой мuddатда “Ўзагрокимёхимоя” АЖ ва худудий “Агрокимёхимоя” АЖлар дебитор ва кредитор қарздорликларини белгиланган тартибда хатловдан ўтказиб, кредиторлар билан **ҳисоб-читобларни амалга оширсин**;

икки ой мuddатда “Ўзагрокимёхимоя” АЖ ва худудий “Агрокимёхимоя” АЖлар мол-мулклари ва асосий воситаларини хатловдан ўтказиб, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) ўтказиш ёки **хусусийлаштириш чораларини кўрсин**;

мол-мулк ва техникалар талон-тарож қилинишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриб бorsин.

4. Ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу йўналишда зарур ишлов бериш техникалари, агрометеостанциялар, биолобатория жихозлари ва бошқа ускуналар харид қилинишда **давлат томонидан 2024 йил 31 декабрга қадар қўллаб-қувватлашининг** қуйдаги тартиби жорий қилинсин:

а) қуйдагилар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилинади: суммаси **10 миллиард сўмдан**, фoиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг **1,75 баробаридан ошмайдиغان миллий валютادا ажратиладиган кредитлар учун** фoиз тўловларининг харажатлари, Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, **лекин 7 фoиз пунктдан кўп бўлмаган қисми**;

тижорат банклари томонидан эквиваленти **10 миллиард сўмдан** ошмайдиган хорижий валютада ажратиладиган кредитлар учун —**тижорат банклари томонидан белгиланган фoиз ставкасининг 30 фoизигача**, бироқ **3 фoиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда** фoиз;

б) ажратиладиган кредит таъминотини **50 фoизигача**, бироқ 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** **қафиллик тақдим этади**.

5. Қуйдагилар“Агробанк” АТБ томонидан:

ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига **лабораторияларни ташкил этиш, ускуна ва техникаларни сотиб олиш ҳамда айланма маблағлари учун 200 миллиард сўмлик кредит линияси** очилганлиги;

Қишлоқ хўжалиги йўналишида, шу жумладан, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, мутахассислар ва аҳолининг билим даражасини ошириш мақсадида **“Агробанк” АТБ қошида “Фермерлар мактаби”** ташкил этилганлиги;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва соҳадаги изланувчиларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида янги инновацион тадқиқотларни амалиётга жорий қилганлик учун **10 миллиард сўм миқдорда грант** ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва “Агробанк” АТБнинг **Тошкент вилоятида** ўсимликларни ҳимоя қилишнинг комплекс хизматларини кўрсатувчи **марказни** (кейинги

ўринларда — Намунавий марказ) **ташкил этиш бўйича буюртмачи этиб “Агробанк” АТБни** белгилаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига “Агробанк” АТБ билан биргаликда **Намунавий марказ тажрибаси асосида тадбиркорларнинг ўсимликларни ҳимоя қилишнинг комплекс хизматларини кўрсатувчи бизнес лойиҳаларини** ташаббускорларнинг ўз маблағлари, банк кредити ва лизинг асосида босқичма-босқич ташкил этиб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда **Агентлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги** Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

9. Агентлик:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 декабрга қадар** **фавқулодда вазиятларда зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартибини** ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) **олти ой мuddатда** “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги ва “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар нормаларини қайта кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига **тегишли қонун** лойиҳасини киритсин;

в) Санитария-эпидемиологик ошйишталик ва жомат саломатлиги хизмати (Б.Қ. Юсупалиев) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида зарарли моддаларнинг (пестицидлар, микотоксинлар, нитратлар, токсик элементлар, минерал ўғитлар ва бошқалар) миқдорини белгилаш ва уларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни **халқаро стандартларга уйғунлаштирсин**.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, **янги тизимни самарали ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутувчи “Йул хариталари”ни тасдиқласин** ва унда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳаҳмда ва сифатли бажарилиши учун **шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтлсин**.

12. **Агентлик** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда:**

Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ишларини ташкиллаштирсин;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш тўғрисида **телевидение орқали**

а) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Б. Хусанов) Агентлик билан биргаликда зарарли организмларга қарши кураш тадбирларини амалга оширишда агроном, фитопатолог, энтомолог, химбиолог бўлган мутахассисларни иш билан таъминлаш мақсадида уларни ўқитиш ва малакасини ошириш орқали ўсимликлар клиникалари фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ, ўсимликлар клиникалари ва биолобаторияларга жалб қилиш тизимини шакллантирсин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. М. Садиков) **Агентликнинг “e-Fitouz” автоматлаштирилган ахборот тизимини янада кенг жорий қилиш** мақсадида соҳага оид барча фаолиятни ушбу тизимга интеграция қилишда тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 15 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ АГЕНТЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. **Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари** вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлари ва фуқаролар учун **мажбурийдир**.

4. Белгиланган бўйилсинки, **Агентлик бош директори** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида **ягона давлат сйёсати ва назоратини амалга ошириш**;

тупроқ агрокимёвий таҳлилларини ўтказиш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган барча турдаги **минерал ва микробиологик ўғитлар сифатини назорат қилиш**, тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицид, нитрат ва оғир металл тузлари қолдиқларини дала шароитида **радиологик-токсикологик таҳлиллардан ўтказиш**;

ўсимликлар карантини ва ҳимоясида **прогноз тизимини такомиллаштириш**, зарарли организмларга қарши курашнинг **уйғунлашган самарали усулларини белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш**, мониторинг олиб бориш, иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган зарарли организмларнинг **республика худудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда йўқ қилиш**;

Ўсимликлар клиникалари ва биолобаториялар тизимини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари ҳамда минерал ва микробиологик ўғитларнинг биологик самарадорлиги бўйича **синовларни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш**, қишлоқ хўжалигида кимёлаштириш ва биологик воситалардан фойдаланиш соҳасида **норматив, регламент ва стандартлар ишлаб чиқиш** ҳамда кимёлаштириш ва биологик воситалар **реализацияси билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш**;

фитосанитар хавфсизликни таъминлашда **илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ривожлантириш**, замонавий инновацион ечимлар, режалаштириш ва бошқариш усулларини жорий этиш, **илгор технологиялар ҳамда иш усулларини жорий этишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш**, соҳада кадрларни тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

6. Агентлик, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда “Ўзагрокимёхимоя” АЖ ва худудий “Агрокимёхимоя” АЖларни тугатиш бўйича Республика комиссиясининг қуйдаги тақлифларига розилик берилсин:

а) тугатилаётган “Ўзагрокимёхимоя” АЖнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги:

чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматини “Ўзагрокимёхимоя” АЖнинг устак капиталдаги давлат улушини камайтириш ҳисобига **Агентликка ўтказиш**;

тут парвонасига қарши кураш бўйича **давлат буюртмасини бериш вазифасини Ипакчилик**

ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига юклаш;

б) Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси негизида **Агентликнинг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма)ни қайта ташкил этиш;

в) **Агентлик тизимида:**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси тизимидаги Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази негизида **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти** (кейинги ўринларда — Илмий-тадқиқот институти) ва унинг минтақавий филиаллари;

Илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларидаги филиаллари;

“Агрокимё станцияси” МЧЖ ва унинг худудий бўлинмалари негизида **Республика агрокимёвий таҳлил маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ва унинг **ҳудудий бўлинмалари**;

“Республика ўқув-ишлаб чиқариш биолобаторияси” МЧЖ ва “Республика “Биосифат” марказий лабораторияси” МЧЖ негизида **“Биосифат” республика марказини ташкил этиш**;

Бунда “Агрокимё станцияси” МЧЖ ва унинг худудий бўлинмаларининг, “Республика “Биосифат” марказий лабораторияси” МЧЖ ва “Республика ўқув-ишлаб чиқариш биолобаторияси” МЧЖнинг **улуши тўлиқ Агентликка ўтказилади**;

г) “Агрокимё станцияси” МЧЖ худудий филиалларининг лабораторияларини модернизация қилиш мақсадида сотиб олинган замонавий лаборатория асбоб-ускуналарини худудий “Агрокимёхимоя” АЖларнинг устак тақлидаги давлат улушини камайтириш ҳисобиға Республика агрокимёвий таҳлил маркази ва унинг худудий бўлинмалари балансига бериш.

7. Белгилансинки:

2021 йил 1 августдан бошлаб Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади**;

Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиалларига ажратилган хоналарни зарур ташки муҳандислик коммуникациялари ҳамда инфратузилмасига улаш, мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, лаборатория ускуналари билан жихозлаш ишлари **Жамғарма ҳамда халқаро грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади**;

Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари **ҳодимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари** учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиалларини **сақлаш харажатлари** 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг

республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Агентликка ажратиладиган маблағлар доирасида, **2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилди**.

8. Белгилан бўйилсинки:

Илмий-тадқиқот институти, Марказ ва “Биосифат” республика маркази **давлат муассасаси шаклидаги юридик шахслар ҳисобланади**;

Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари, Марказ ва унинг худудий бўлинмалари, “Биосифат” республика маркази, Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари республика бюджетидан, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари асосида ажратиладиган грантлар, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун шартномалардан тушум, халқаро молия институтилари грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади;

мазкур қарорнинг 8-бандига мувофиқ ташкил этилган муассасалар хуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ушбу муассасалар тузилиши учун асос қилиб олинган ташкилотларнинг **хуқуқий вориси ҳисобланади**.

9. Қуйдагилар:

а) **Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Жамғарма маблағлари;

хорижий (халқаро) молия институтилари ва бошқа хорижий донорларнинг техник қўмак воситалари ва грантлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг **асосий манбалари** этиб белгилансин:

импорт ва транзит карантин **рухсатномалари**, халқаро, ички ва реэкспорт фитосанитария **сертификатлари**, транспорт бирлигини очиш ва карантин кўриги далолатларини расмийлаштирилишидан олинадиган **тўловлар**;

ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган **кимёвий воситалар, минерал ва органик ўғитларни сақлаш, реализация қилишни лицензиялашдан олинадиган тўловлар**;

қўрсатилган лаборатория таҳлиллари **хизмати** учун олинадиган тўловлар;

зарарсилантириш (фумигация) ишлари ўтказиш бўйича қўрсатилган хизматлар учун олинадиган тўловлар;

биолобаториялар фаолияти учун бериладиган **техник рухсатнома** ва биомасхулот сифати бўйича **сертификатлар учун олинадиган тўловлар**;

кимёвий ва биологик ҳимоя воситаларининг биологик самарадорлиги бўйича ўтказиладиган синовлар учун олинадиган тўловлар;

маъмурий хуқуқбузарлик учун қонунчиликка мувофиқ ундириладиган жарималар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни ҳал этиш, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

10. Агентлик ва унинг тизимида янгидан ташкил этилаётган ташкилотларнинг штат бирликлари ҳамда бошқа харажатларини қоплашга **қўшимча равишда талаб этиладиган маблағлар Давлат бюджетининг 2021 йил параметрларида зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қоплансин**.

11. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг яхлит тизими яратилаётганлиги ва ушбу тизимнинг фаолияти биринчи навбатда Ўсимликлар зараркунандалари ва касалликлари тарқалишининг олдини олишга қаратилганлигини ҳисобга олиб, зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун **2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида Агентлик учун 50 миллиард сўм маблағ кўзда тутилсин**.

12. **2021 йилнинг 1 августидан бошлаб** Агентлик ва унинг худудий бошқармалари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан Жамғармага келиб тушадиган давлат божи ва йигими қўринишидаги тушумларнинг 25 фoизидан ортиқ бўлмаган миқдори Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилсин.

13. **Агентлик бош директориға** қуйдаги хуқуқлар берилсин:

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Агентликнинг марказий аппарати ва унинг қуйи ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари, Агентликка идоравий мансуб ташкилотлар низомлари ва тузилмаларини, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг белгиланган сонини тасдиқлаш;

ишлаб чиқариш зарурати ва иш юкмасасидан келиб чиқиб Жамғарма маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини жорий этиш;

бўйсунувдаги идораларнинг низомини тасдиқлаш;

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ишга ёллаш.

14. Агентликка, унга юклатилган вазифаларни бажариш учун агродронларни Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси орқали олиб кириш ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан улардан фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

Агентлик томонидан зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги уч кун мuddатда агродронларни ишга тушириш учун рухсатнома берсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 15 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

кўрсатувларни доимий намоиш қилиш ҳамда ижтимоий реклама сифатида уларни телевидение ва радиоканалларда жойлаштирсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **3-иловаға** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида **2021 йилнинг 31 декабрь кунига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!



Феруза МУХИДДИНОВА, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори

Энг улуғ, энг азий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида эришган ютуқларимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапириб ҳар биримизга завқ бағишлайди. Албатта, ўтган йилларда Ўзбекистон том маънода ўзгарди. Бу жиҳатлар халқимиз дунёқарашини, мафқурасини янгиланганида, ҳаёт фаровонлигини юксалганида, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз қайта жонланганида, айниқса, яққол кўзга ташланади.

Гап мустақил тараққиётимиз ҳақида борар экан, кейинги беш йилда жаҳон сиёсат майдонида “Янги Ўзбекистон” атамаси пайдо бўлганини алоҳида фахр билан тилга оламиз. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда инсон манфаатига йўналтирилган ислохотлар мисли қўрилмаган даражада жадаллашди. Жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини му-



хофазалаш, ҳар бир ишни халқимиз билан баҳамжиҳат амалга ошириш Президентимиз юритаётган сиёсатнинг бош ғоясига айланди. Халқ ва ҳокимият ўртасидаги де-ворлар олиб ташланди. Халқимизнинг давлат раҳбарига тўғридан-тўғри мурожаат қилиши учун янги тизим яратилди. Ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмапти. Ҳокимлар ҳам халқ ичига кириб, одамлар дардини эшитишни ўрганди, муаммоларга жойида ечим топила бошлади. Шу тарика аҳолини қийнаб келган муаммолар тез фурсатларда барҳам топди.

Инсонпарварликнинг олий намунаси

Бугунги Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришган ютуқлари билан ҳам дунёга танилди. Шулар ҳақида гапирганда айрим рақамларга тўхталиш жоиз. Жумладан, кейинги 3 йилда 15 минг 560 нафар, шунингдек, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган 50 мингга яқин юрtdошларимизга фуқаролик берилгани олий ва бебаҳо тўхфа бўлди. Бу Президентимизнинг “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга қўйилган баҳодир”, деган хайрли таъкидларининг ҳаётий ҳақиқатга айланиб кетганини яққол ифода этади.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ЙЎЛИ халқ ишончи ва эл розилиги билан ойдин

Сўнгги йилларда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 8 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Жаслиқ қўрго-нидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани инсонпарварлик сиёсатининг амалий намунаси бўлди. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий сугурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди.



Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги муҳим қадамлардан бири — судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлангани ҳам адолатли қарордир.

Бугунги кунга қадар “Меҳр” операциялари доирасида нотинч мамлакатларда оғир аҳволга тушиб, чорасиз қолган 438 нафар юрtdош-имиз мамлакатимизга олиб келинди. Биргина “Меҳр-5” операцияси туфайли Сурия ҳудудидаги “қайноқ нуқталар”га бориб қолган 24 нафар

сида”ги қонуни янги таҳрирда қабул қилиниши эса бу борада бир неча йиллар мобайнида амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг ёрқин самараси сифатида бўй кўрсатди.

Мамлакатимизда 16 та конфессияга тегишли 2298 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Аҳамиятлиси, биргина 2020 йилда мамлакат адлия органлари томонидан 23 та диний ташкилот рўйхатдан ўтказилди.

Ижтимоий ҳимоя ва келажак авлод тарбияси йўлида янги тизим

Оилалар тинчлиги ва фаровонлигининг асл бешиги — маҳалла. Шу боис, сўнгги йилларда маҳалла тузилмасини ривожлантиришга эътибор кучайди. Маҳаллаларда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” юритилмоқда. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларимиз чирой очмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллий қадриятларимизни тарғиб этишга оид бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда янги тизим сифатида халқимиз ҳаётига мазмун бахш этди, жозиба олиб кирди. Юртимизда навқирон авлод қамолотига йўналтирилган хайрли ишлар, айниқса, таълим тизимида яққол намоён бўлаётди. Сўнгги йилларда мактаб таълимини ривожлантириш, олий таълим тизимини жаҳон андозлари даражасига кўтариш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пировардидан олий ўқув юртилари сони кўпайди. Олий таълимга квоталар сони йилдан йилга ошиб бормоқда.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон ёшлари келажакка ишонч билан қарайди. Буни уларнинг гап-сўзидан, хориқлик тенгдошлари, олимлар, арбоблар билан мулоқотидан, ўзини мағрур тутуши, ватанпарварлигидан ҳам пайқаш мумкин. Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишлар ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Сўнгги йилларда бу йўналишда имкониятлар кенгайиб бораётгани туфайли жамиятда аёлларнинг фаоллиги ошмоқда, сенатор, депутат, прокурор, судья, ҳоким ва бошқа лавозимларда ишлаётган аёллар сони кўпайди.

Шу билан бирга, оналар ва болаларнинг ҳуқуқий, тиббий-ижтимоий ҳимояси ҳам кучаймоқда. “Соғлом она — соғлом бола” ғояси хайрли ишларнинг бош мақсадига айланди. Тиббиёт тизимида бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижалари कोरोновирус пандемиясига қарши кураш жараёнида ўз самарасини кўрсатди.

Айни пайтда бу соҳадаги ишлар изчил давом эттирилиб, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий ҳимоялашга оид лойиҳалар кўлами тобора кенгаймоқда.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар мазмундорлигини, халқчиллигини билан халқимиз кўнглини кўтармоқда. Бундан руҳланган юрtdошларимиз Ватанимиз тараққиёти учун, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз яратаятган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади”. Зеро, бу умуминсоний тушунчалар, инсониятга соғлом ва фаровон келажак бахш этиш, дунёда тинчлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим пойдевордир.

ИЛМ ВА ЭЗГУ АМАЛЛАР УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Уйғун ҒАФУРОВ, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори

Бешикдан то қабргача илм излаш фарзлигини яхши англаган буюк аждодларимиз даврида илм-фан тараққий этиб, нафақат мусулмон олами, балки бутун дунё цивилизацияси ривожига ўз таъсирини ўтказган.

Таъкидлаш жоизки, илмларни таснифлашда диний-дунёвий деб ажратмай, аксинча, инсон қамолоти йўлида барча манфаатли билимларни тўлиқ ўзлаштиришга хизмат қилган “мадрасаи олия”лар ўз даврининг етуқ университетлари, илмий-тадқиқот институтлари вазифасини бажарган. Ўзбекистоннинг қадим шаҳарлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Тошкент мадрасалари, илмий мактабларида етишиб чиққан алломалар Қўрьон, ҳадис, ақида (қалом), тафсири, фикҳ илмларининг тамал тошини қўйган, математика, физика, кимё, география, астрономия, тиббиёт, фармацевтика каби фанларнинг ривожига улкан ҳисса қўшган.

Ҳозирга қадар фаолият юритиб келаётган дунёнинг энг қадимги учта



ривожлантириш, юксак инсоний ғояларни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан диний таълим, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида самарали фойдаланиш, ислом таълимининг қадим аъёналарини тиклаш бўйича қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Соф исломни асраш, улуғ аллома ва мутафаккирларнинг бой илмий меросини ўрганиш ва халқимизга етказиш зарурати ҳақида давлатимиз раҳбари 2016 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида Ислom ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясидаги нутқида қуйидаги фикрларни билдирган эди:

“Янги таҳдидлар, жумладан, “оммавий маданият” хавфи ва

асосида Самарқандда — Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида қалом илми, Фарғонада — Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи, Бухорода — Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф илмий мактаби, Қашқадарёда — Абул Муин Насафий марказида ақида илми мактаблари ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги қарори билан Тошкентда Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази фаолият бошлади.

Буюк алломалар илмий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш орқали ҳозирги куннинг долзарб масалаларига муносиб жавоб бериш мақсадида босқичма-босқич ривожланиб бораётган мазкур тизим Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги 3 та олий ва 10 та ўрта махсус таълим муассасалари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий илмий-тадқиқот марказлари ўртасида узвийлик ва узлуксизлиқни таъминламоқда.

Диний таълим муассасалари му-даррис устозлари ва етакчи имом-хатибларимиз Ўзбекистон халқаро ислом академиясида магистратура, докторантура босқичларида таҳсил олмоқда ҳамда долзарб мавзуларда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилмоқда.

Диний ходимларга қўйилаётган замонавий талаблардан келиб чиқиб,



олий таълим муассасаси — Тунисдаги “Зайтуна” университети (732 йилда таъсис этилган), Мароккадаги “Қаравийюн” университети (859 йилда таъсис этилган), Мисрдаги “ал-Азхар” университети (972 йилда таъсис этилган) мусулмон мамлакатларида жойлашгани бежиз эмас.

Мовароуннаҳрдаги мадрасалар ҳақидаги илк маълумотлар IX—X асрларга оид бўлиб, уларнинг базиларига кўра, Термиздан Абу Исо Термизий ва Муҳаммад Ҳаким Термизий каби буюк алломалар етишиб чиқишида IX аср башларида Балхда 1848 та масжид, 900 та мактаб ва 400 та мадраса бўлгани муҳим роль ўйнаган. Тарихчи Абу Бакр Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” китобида Бухородаги Форжак мадрасасининг 937 йилда ёнган туфайли вайрон бўлгани ҳақидаги маълумотни келтирган.

Олим К. Каттаевнинг фикрича, Самарқанддаги Работи Ғозиёв мадрасаси яна ҳам қадимий бўлиб, унда Имом Мотуридий, Абулқосим Ҳаким каби имомлар Муҳаммад ибн Фазл Балхийдан (вафоти 931 й.) таҳсил олган.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Абул Муин Насафий, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қадфол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан диний соҳада кенг кўламли ислохотлар, янгиланишлар, хусусан, буюк алломаларнинг бебаҳо меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва янада

боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзга келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли, менинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг ҳақрафли бурчимиздир. Ислom — ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзодни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка қорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

Биз Ислom динидан зуравонлик ва хунрезлик мақсадларида фойдаланишга уринаётган кимсаларни кескин қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроаса қила олмаймиз. Муқаддас динимизни доимо ҳимоя қилаймиз”.

Сўнгги йиллар хронологиясига назар солар эканмиз, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда илмий-тадқиқот марказлари, диний таълим муассасалари ва илмий мактаблардан иборат янги яхлит тизим вуқудга келаяётганини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Бухоро вилоятида Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби” мавзусидаги анжуманда берган тақлифи

диний ва дунёвий фанларни чуқур ўзлаштирган, мафқуравий хуруқларга қарши тура оладиган, турли оқимларнинг ёт ғояларига раддия бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги диний таълим сифати ва савияси оширилди.

Олий ислом таълим муассасаларига фақат мадрасани таомиланган битирувчиларни қабул қилиш орқали ҳар иккала таълим босқичи ўқув режа ва фан дастурлари узвий боғлиқ ҳолда қайта ишлаб чиқилди ҳамда мутахассислик фанларини янада чуқурроқ ўзлаштириш имкониятлари кенгайтирилди.

Мутахассислик фанларини аънавий ҳанафий мазаҳби ва мотуридий таълимотида мувофиқ, асрлар давомида юртимиз мадрасаларида шаклланган диний таълим услуби (“манҳаж”) бўйича, буюк алломаларимизнинг мўътабар асарлари, уларга ёзилган шарҳлар ва ҳосиялар асосида ўқитиш, “Хатмул кутуб”, “Ижоза бериш” аъёналари тикланди.

Сўнгги 4 йил давомида “Саҳиҳул Бухорий”, “Сунани Термизий”, “Ҳидоя”, “Тафсири Насафий” каби 44 номдаги мўътабар асарлар Тошкент ислом институти талабалари томонидан тўлиқ ўқилиб, 3195 маротаба “хатми кутуб” қилинди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ёшларни умумбашарий аънава қадриятларимизга садоқат, бой миллий-маънавий меросимизга ҳурмат руҳида изчил ва тизимли шаклда тарбиялаш, уларда маънавий ва маърифий қарашларимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мафқуравий имунитетни қучайтириш, дунё ва минтақада юз бераётган туб ижтимоий-сиёсий ва дин билан боғлиқ мураккаб жараёнлар моҳиятини теран идрок этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугунги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс йўлидаги муҳим қадамлари сифатида намоён бўлади.

ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ



Акбаршоҳ ТЕШАБОВЕВ, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раисининг ўринбосари

Мамлакатимизда 2017-2021 йиллар давомида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар натижасида тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйилди. Бу жараёнда Президентимиз ёшлар масаласини ислохотлар дастурининг устувор йўналиши этиб белгиллаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган вақтда имзолаган илк ҳужжати, бу — 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар куни деб эълон қилинди. Жорий йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилишида ҳам оқилона сиёсатнинг узвий давомини кўриш мумкин.



этилиши ёшлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини янада кучайтириш борасида йўлга қўйилган тизимнинг самарадорлигини таъминламоқда.

Ўзбекистоннинг дунё ёшларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуслари

Президентимиз ёшлар масаласига нафақат миллий, балки халқаро миқёсда эътибор қаратиш муҳим эканини бутун дунёга исботлаб берди. Давлатимиз раҳбари юксак минбардан туриб: “Ёшларнинг овозига қулоқ тутиш жуда муҳимдир”, деб таъкидлаган эди. Хусусан, Шавкат Мирзиёев ёшлар масаласи бўйича халқаро миқёсда бир қатор муҳим тарихий ташаббусларни илгари сурди.

Президентимиз 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш так-

имкониятларини таъминлаш, ёшларнинг ўзлари ҳаётига тааллуқли қонунчиликни ишлаб чиқиш ҳамда сиёсатни шакллантириш, унинг мониторингини олиб бориш ва ўтказишда иштирок этишини таъминлаш масалаларига доир нормалар назарда тутилмоқда.

Еттинчидан, конвенция лойиҳасида ёшларнинг шахсий ҳаёт ҳуқуқини кафолатлаш белгиланган.

Унга мувофиқ, ёшларнинг ҳар бир вакили шахсий ҳаёти, ихтиёри қўлида бўлиши ҳуқуқи, шахсий ҳаёт, ёзишмалари махфийлиги ва шахсий мақоми ҳимоя қилинишига доир қоидалар аниқ айтилган.

Конвенцияда назарда тутилаётган мазкур қоида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари асосида ишлаб чиқилганини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, декларациянинг 3-моддасида “ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга” экани ва 12-моддасида “ҳеч кимнинг шахсий ва oilaviy ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, ёзишмалариди

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ: ИМКОНИЯТ, РАҒБАТ ВА ЯНГИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари

2017-2021 йилларда ёшларга оид давлат сиёсатида янги йўналишлар, тартиблар ва имкониятлар яратилди. Шу ўринда дастлаб унинг ўзига хос жиҳатларини алоҳида қайд этиш ўринли бўлади.

Биринчи аҳамиятли жиҳат — ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Хусусан, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Унда белгиланган устувор вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида алоҳида “йўл харитаси” тасдиқланди.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, уларда ёшларга оид давлат сиёсатида истиқболдаги режалар бўйича аниқ стратегия ва дастурлар ишлаб чиқилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, АҚШ да “Ёшлар учун келажақ: Федерал ҳамкорлик ёшлар стратегияси”, Финляндияда “Ёшлар миллий стратегияси”, Германияда 2015 йилда қабул қилинган “Янги ёшлар стратегияси”, Польшада “2003-2012 йилларга мўлжалланган Миллий ёшлар стратегияси”, Чехияда “2014-2020 йилларга мўлжалланган Ёшлар стратегияси” шулар жумласидан.

Иккинчи аҳамиятли жиҳат — ёшларга оид миллий қонунчилик замон талабларини асосида такомиллаштирилди, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди.

2017-2020 йилларда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини таъминлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 50 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари, 10 га яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ёшлари қўнини белгиллаш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунларда ёшларнинг ҳуқуқларига доир қўллаб янги нормалар белгиланди.

Учинчи муҳим жиҳат — ёшлар билан тизимли ишлаш бўйича ўзига хос тартиб ва механизмлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

Хусусан, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият бошлади. Ёшларни ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Ёшлар дафтари” жорий этилди, “Бешта муҳим ташаббус” лойиҳаси ишга туширилди.

Йигит-қизларни касб-хунарга йўналтириш, саноат ва тадбиркорлик соҳаларидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси, “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари” ташкил этилди, ҳудудларда Ёшлар технопарклари очилди. Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятларида шундай технопаркларни қуриш ишлари давом этмоқда.

Тўртинчи муҳим жиҳат — таълим тизимида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Сўнгги тўрт йилда юртимизда 44 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилди, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамрови 9 фоиздан 25 фоизга етказилди. Жумладан, Янги Ўзбекистон университети, 4 та Президент, 9 та ижод мактаби, 5 та “Темурбеклар мактаби” барпо этилди.

Бешинчи муҳим жиҳат — ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари жорий этилди. Қисқа муддатда амалга оширилган оқилона сиёсатнинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 23 фоизини, шундан яқка тартибдаги тадбиркорларнинг 21,5 фоизини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этмоқда.

Олтинчи муҳим жиҳат — ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб

иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунги кунда ёш оилаларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 2021-2023 йилларда Ёшлар уйлари қуриш дастури ҳаётига изчил татбиқ этиляпти.

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар йигит-қизга Президент гранти берилади.

Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган, “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз йигит-қизларга зарур асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратиш механизми йўлга қўйилди.

Муносиб меҳнат шароитини яратиш иқтисодий имкониятларни кенгайтириш омили

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 18,9 миллион нафарини ёки 54 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этмоқда. Бу жуда катта иқтисодий потенциал дегани. Шу сабабли, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича ёшларнинг касбий тайёргарлигини оширишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилги давлат дастурига биноан 70 минг ишсиз ёшни 40 та касб-хуна бўйича ўқитиш, уларнинг 39,6 минг нафарини тадбиркорликка, 50 минг фуқарони ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси учун чет тилларга ўқитиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ёшларни иш билан таъминлаш асосида келажақда юртимиз иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторига киришида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалигида меҳнат қилаётган ёшларга қўшимча имкониятлар яратилиши натижасида бугунги кунда мамлакатимизда 3,6 мингга яқин ёш фермер фаолият юритаяпти. Айнан улар бозорларимиз тўқинчилигини, аҳолини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда асосий куч сифатида намоён бўлаётир.

Бу борадаги ишлар изчиллигини таъминлаш, қишлоқ ёшларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмайётган ер майдонларидан 1 гектаргача ер ажратилиш, уларни ўзлаштириш, яъни ҳайдаш, ишлов бериш, уруғ ва кўчат харид қилиш учун ёшларга субсидиялар ҳам ажратилаяпти.

Шунингдек, “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида уюшмаган ва ишсиз ёшлар тадбиркорликка ўқитилмоқда ҳамда хизмат кўрсатиш, қурилиш, савдо, саноат каби соҳаларда ҳам ёш тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб имтиёзлар яратилмоқда.

Замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш борасида ҳам етакчилар сафида

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ёшлар замонавий илм-фан ва ахборот технологияларидан фойдаланишга доир билимларни пухта ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт, бу бизга юқалишининг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”, дея таъкидлагани бугунги дунё тараққиётининг мазмун-моҳиятини ўзида ифода этган.

Мазкур ҳаётини ҳақиқатини тўғри англаган ҳолда, мамлакатимизда ёшларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш, дастурлаш борасидаги замонавий билимларни ўзлаштиришига давлат даражасида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, шу мақсадда:

Биринчи, Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги фармонида мувофиқ “**Рақамли Ўзбекистон — 2030**” стратегияси тасдиқланди.

Стратегия доирасида шахар ва туманларда ёшларни рақамли технологияларга ўқитиш ҳудудий ўқув марказлари очилди, “Темир дафтар”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, айниқса, ёшлар қатламига моддий ёрдам кўрсати-

лифини илгари сурган эди.

Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш халқаро аҳамиятга молик бўлган қатор ижобий жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Биринчидан, у юқорида таъкидланганидек, жаҳон миқёсида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, бу борада давлатлар олдидаги халқаро мажбуриятларни белгилаб берувчи яхлит халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир.



лишини мониторинг қилувчи ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқ ишлаб чиқилди. Шу асосда “Темир дафтар”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг маълумотлар базаси шакллантирилди.

Иккинчи, “**Бир миллион дастурчи**” лойиҳаси ишга туширилди. Унинг доирасида 2021-2022 йилларда 300 минг ёшни компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учинчи, ёшлар халқаро “IT” сертификатларини олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисmini бюджетдан қўллаб бериш тартиби ишлаб чиқилди.

Ёшлар қонун ижодкорлиги жараёнида иштирокчи, парламент фаолиятига дахлдор

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2020 йил 29 июнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат ҳузурида **Ёшлар парламентлари ташкил этилди**.

Ўзбекистонда Ёшлар парламентларининг ташкил этилгани муҳим ижобий натижалари билан аҳамиятга эга.

Биринчидан, ёшларнинг қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис фаолиятига дахлдорлиги оширилди.

Иккинчидан, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнида ёшлар кенг жалб этила бошланди.

Учинчидан, ёшларни ўйлантираётган масалалар юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган асослантирилган тақлифлар ёшларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқиладиган амалиёт жорий этилди.

Тўртинчидан, қабул қилинаётган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилишининг самарали механизмлари жорий этилди.

Бешинчидан, ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларни фаол сиёсий қатламга айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар янги босқичга кўтарилди.

Бугунги кунда юқоридаги мақсадларга ҳам-оҳанг тарзда Ёшлар парламентларининг ташкил

Иккинчидан, конвенция лойиҳасида жаҳон миқёсида илк мартаба ёшлар тушунчасига умумий ҳуқуқий таъриф белгиланмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ёшлар тушунчаси бирор марта ишлатилмагани ҳам конвенциянинг ёшлар масаласидаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжат мақомига эга экани борасидаги фикрларимиз исботидир.

Ҳар бир давлат ёшлар тушунчасини ўз тартиб-қоидалари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб турилича белгиллаган. Мисол учун, ёшлар тушунчаси Хитойда 18-35, АҚШда 18-25, Канадада 16-28, Россияда 14-30 ёш этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси ёшлар тушунчасига берилган ҳуқуқий таърифда **ун тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар** ёшлар ҳисоблангани ёзилган.

Учинчидан, давлатларнинг ёшлар сиёсати соҳасидаги мажбуриятлари, ёшларнинг ижтимоий интеграциясини кучайтиришга кўмаклашиш бўйича вазифалари аниқ белгиланмоқда.

Унга мувофиқ, иштирокчи давлатлар ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган 12 та мажбурият ва ёшларнинг ижтимоий интеграциясини кучайтириш бўйича 15 та вазифа назарда тутилмоқда.

Тўртинчидан, конвенция лойиҳасида иштирок этувчи давлатларнинг ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни баробарида оила институтини сақлаш ва oilада ёшларнинг соғлом камол топишини таъминлашга хизмат қиладиган норма назарда тутилмоқда.

Бешинчидан, давлатлар ўз юрисдикцияси доирасида фуқаролари бўлиши ёшларни, шунингдек, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган ёшларни зўравонлик ва эксплуатациядан ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни қўриши белгиланмоқда.

Олтинчидан, конвенция лойиҳасида миллий ва халқаро даражада қарор қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқи аниқ белгилаб берилмоқда. Ёшлар ва ёшлар ташкилотларининг миллий даражада жамият ҳаётида фаол иштирок этиш

сирларга ёки унинг номуи ва шаънига ўзбошимчалик билан таъовуз қилиниши мумкин эмаслиги, ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки таъовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга”лиги белгиланган.

Саккизинчидан, конвенция лойиҳасида ёшларнинг зўравонликка дучор бўлишдан ва эксплуатация қилинишдан давлат томонидан кафолатлашни назарда тутилмоқда.

Унда ҳар бир иштирок этувчи давлатнинг ўз юрисдикциясидаги ҳудудда ёшларга нисбатан зўравонлик ва эксплуатация қилинишининг ҳар қандай турлари, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигида мажбурий меҳнат, иқтисодий камситиш ва меҳнат соҳасида эксплуатация қилинишга доир ҳаракатларнинг олдини олиш учун самарали қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларни қўриши мумкин бўлади.

Тўққизинчидан, конвенция лойиҳасида ёшларнинг ўз мамлакатини ҳудудда тўсиксиз ҳаракат қилиш, яшаш ва туриш жойини танлаш, ўз мамлакатини ва ҳар қандай бошқа мамлакатни тарк этиш ҳамда ўз мамлакатига қайтиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Шунингдек, конвенцияда қочқоқлар деб ҳисобланадиган ёшларни зарур даражада ҳимоя қилиш, уларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқлар ва уларга инсонпарварлик ёрдамиини кўрсатишга доир норма назарда тутилмоқда.

Учинчидан, конвенция лойиҳасида ёшлар ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро ҳамкорликнинг қамрови ва соҳалари аниқ белгиланмоқда.

Яратилаётган имкониятлардан илҳомланиб яшаш керак

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшлик нафаси янада жўш ура бошлади. Буни қўйидаги ижобий натижалар мисолида қўриш ва англаш янада осон. Хусусан, юртимизда 2017-2021 йилларда ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида янги тартиблар жорий этилди. Ёшлар масаласига жавобгарлик умумийликдан ҳусусийликка қўчиб ўтди, яъни ҳар бир раҳбар ўз ҳудудидаги ёшлар билан индивидуал ва манзилли тарзда ишлашга доир тартиблар жорий этилди. Имкониятни чекланган тенгдошларимизнинг бошқалардан кам бўлмастлигини таъминлаш мақсадида янги ижтимоий-иқтисодий механизмлар жорий этилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш борасида янги ташаббуслар илгари сурилди. Ёшларнинг дилидаги қўллаб тақлиф ва ташаббуслари ўз рўёбини топди.

Янги Ўзбекистонда ҳар бир ёш ўзини ўйлантираётган масалаларни раҳбарларга бемалол билдириб, ташаббусларини юксак минбарлардан туриб эркин ва баралла айтаяпти. Илгарилари ёшлар ўз муаммосини тегилли раҳбарларга етказолмай йиллар давомида сарсон бўлса, ҳозирда бир мурожаатни ўзи истаган раҳбарга юбориши учун ўн дақиқа кифоя қилади. Бу мурожаатларнинг қўриб чиқилиши ҳам доимий назоратда.

Биз 2021 йил Ўзбекистон ёшлари учун мамлакат тарихида “ёшлик қайғисига ва руҳияти энг юксак чўққига чиққан давр” бўлиб қолишига ишонамиз. Чунки жорий йилнинг илк кунлариданок, давлатимиз раҳбари ёшларга “кечага келгача” сифатида қараб, ўзининг “**энг яқин кўмакчилари**” ва “**халқимизнинг азиз фарзандлари**” дея таъкидлаган эди. Бу давлат раҳбари томонидан ёшларга билдирилган жуда катта ишонч ва қўллаб-қувватлаш дегани. Биз, ёшлар бу ишончни оқлашимиз, амалга оширилаётган ислохотларнинг тарғиботчиси, Президентимизнинг энг яқин дастёрлари сифатида меҳнат қилиб, яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишимиз керак. Зеро, Учинчи Ренессанснинг пойдевориини барпо этишда ўз билимимиз ва ғайратимиз, шижоату шаҳдимиз билан ҳаракат қилишимиз, яратилаётган имкониятлардан илҳомланиб яшашимиз керак!



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА



Ўзгаришни аввал ўзимиздан бошлайлик

Яқин-яқинларгача истиқлол байрами арафасидаги интервьюларда, “Ватан мустақиллиги бизга нима берди, нима беряпти?” деганга ўхшаш саволлар бўларди. Бугун бу тарздаги саволга, назаримизда, эҳтиёж қолмади. Чунки юртимиз озодлиги билан боғлиқ ўзгаришлар, янгиликлар шу қадар беҳисобки, уларни бир савол жавобига сиғдириб бўлмайди.

ЎЗБЕГИМНИНГ ЕЛКАСИГА ОФТОБ ТЕГДИ

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Биз ҳурриятга эришиб, тилимиз, ери-мизга эгалик ҳуқуқини қўлга киритдик. Ота-боболаримиз гоҳ кураш, ғалаба, гоҳ кўз ёшлари билан яшаган чинакам тарихни ўрганиш саодати насиб этди бизга. Юртимиз қурилишлар, бунёд-корликлар билан зийнатланди. “Ҳамма нарса инсон манфаатлари учун”, “Халқимизни рози қилиш — асосий мақсадимиз” каби шiorлар бинолар пештоқидан тушиб, ҳаракатга келди. Яна ҳам тушунарлироқ ифодаласак, инсоннинг қадри ўрнига қўйилди. Халқона айтадиган бўлсак, ўзбегимнинг елкасига офтоб тегди. Бу офтобнинг ҳарорати, ёруғлигини кейинги йилларда аввалгидан ҳам яхшироқ ҳис қилаётганимиз ҳеч кимга сир эмас.

Одатда одам шодон кунларида машаққат билан яшаган давларини кўп ҳам ёдга олгиси келмайди. “Ҳа, ўтган ўтди-да”, дея қарайди. Аммо хотира киши туғилуларини янгилашниги ҳисобга олсак, қадамлаб ўтган йиллар ва йўлларимизни эслаб турганимиз яхши...

1969 йилнинг ёзида Фарғона давлат педагогика институтини (ҳозирги университет)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириш учун ҳужжат топширганман. Ҳужжат қабули қўйилганда “Танлов жуда катта бўлади, бир ўринга 14 нафар абитуриент топшириди”, деган эълон бўлган. Дарҳақиқат, конкурс мисли қўйилмаган даражада катта бўлган. Юзлаб йигит-қизлар орасидан бор-йўғи 25 нафаримизга талабалик муяссар бўлди. Не-не умидлар билан олий ўқув юрти оstonасига қадам қўйган ёшларнинг аксарияти кўнгли синиб изига қайтган. Уларнинг орасида отаси, “Агар бу йил ўқишга кира олма-санг, узатиб юбораман”, деган шарт билан келган қанча қизлар бор эди. Балки уларнинг баъзилари турмушидан бахт топиб, тиниб-тинчиб кетгандир. Аммо ораларида, “Ўқий олмадим, менга ҳаётнинг қизиғи қолмади”, дея армон билан яшаб ўтаётганлари, аламзадалари ҳам борлигини биламиз-ку.

Бугунги энг янги маълумотларни кузатайлик. “Ўсиб келаётган билимга чанқок ёшларнинг талабига мос равишда олий таълим муассасалари сони 127 тага етказилди. 26 та хорижий университетларнинг филиаллари очилди...”. “Бу йил янги таълим маскани “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилиб, 300 нафар ёшлар қабул қилинади...”. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ йигит-қизларимиз учун билим олиш имкониятларининг нақадар кенгайиб кетганлигини далиллайди. Боз устига, битта абитуриентда бир пайтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига кириш имкониятининг борлиги 17-18 ёшдаюқ ҳар бир фуқаромиз жамият томонидан қадрлана бошлаганини билдиреди. Чунки унга бир эшик ёпиласа, бошқаси очилади. Сарсон-саргардонлик, “яхши ўқиганман-ку, балим етмади”, дея қоронғу уйга кириб, бағрини захга бериб ётиш йўқ.

Мабодо, ўқишга кира олмай қолган тақдирда ҳам ўғил-қизларимизнинг олди туманили йўللар эмас. Гапимизни яна маълумотлар билан далиллаймиз: “Сўнгги тўрт йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 500 мингдан ошиб кетди”. Ёшларга берилаётган имтиёзли кредитлар, касб-хўнарга ўқитиш, ўргатишларнинг натижаси бу рақамлар. Улар осмондан тушмаган, ҳавойи сонлар эмас. Ҳар бирининг орақсида келажак эгаларига қўрсатилаётган инсоний муносабатлар турибди. Халқимиз бундай ҳолатларни, “Одам қаторида эъзозландик, одам

қаторида ардоқландик”, дейди. Бу ҳам аслида истиқлол боис, бугунги инсонлар парвар сиёсат боис инсон қадрининг кўтарилганлиғидир.

“Йўл азоби — гўр азоби”, деган оғриқ-ли гаплар ҳам кўпроқ ўтган асрдаги ҳаётимиз манзараларини ифодалайди. Шаҳардан қишлоққа қатнайдиған жамоат транспортини орзу ҳам қилиб бўлмасди. Туман марказларига одам ташиш учун қўйилган “бўлка” автобуслар доим минди-минди бўларди. Ёзда иссиқ, нафас қайтарадиган даражада дим, қишда ияқ қалтиратар совуқ, этик, қалишларга илашган лойдан ифлосланган... Поезд, самолётларга чипта олиш азобини беш йил Фарғонага ўқиш учун қатнаган мендай талабалару уларнинг ота-оналаридан сўрайверинг. Осмондаги юлдузлар сўнмай навбатга бориб турсангиз ҳам чипта талабгорлари ёзилаётган рўйхат аллақачон бир қўлочга етган бўларди. Навбатда туриб хушидан кетиб қолган ҳомиладор аёлларни ўз қўзим билан қўрганман неча бор. Шунинг учун вокзал, аэропорт кассалари коррупциянинг ўчоғи эди. Азалдан ҳам арзон бўлмаган чипталарни нақ бир ярим баҳосига олиб берадди даллоллар. Уларнинг ҳам димоғидан қўрт ёғарди.

Бугун йўлга чиқсангиз, қўлингизни кўтаришга улгурмай, таксилар ёнини-гизда турнақатор бўлади. Фақат енгил машиналарда эмас, салонлари кенг, озода автобусларда ҳам қишда иситиб, ёзда музлатадиган кондиционерлар...



Самолёт, поезд чипталарини уйда ўтириб, буюртма билан бемалол олиш мумкин.

Кечаги кунни кўрмаган авлод, “Ўзи шундай бўлиши керак эмасми? Бунча кичкина нарсалардан суюнасиз”, дея иддао қилишлари мумкин. Йўқ, одам боласининг вақти, иқтидори, соғлиғи қадрланмаган ҳолатларни мутлақо кичкина нарса, деб бўлмайди. Айнан шундай ҳолатлар кишини аламзада қилади, яшайётган жамиятдан, одамлардан кўнглини совитади. “Хаёт дегани шу бўлса... қўл силтадим барига”, деган кайфият, унинг орқасидан эса ғофиллик, бепарволик келади.

Айни кунда жамиятимизнинг қайси жабҳасига синчвос назар ташласак, кўксимизни тўлдириб енгил нафас олишимизга сабаб бўладиган эзгуликларини ҳис этамиз. Ҳар бир мамлакатда бор бўлган аскарлик хизматини олайлик. Уғлонларимизни, асосан, қўрилиш батальон (стройбат)ларида олишарди. Чунки йилнинг уч фаслини “қишлоқ хўжалигига ёрдам — никоби остида, аслида, текин хизматкорлик билан ўтказган, бир фаслда (яхшиям, қиш бор экан ўшанда, бўлмаса йил бўйи даладан келмасмидик)гина наридан-бери ўқиган, пахтазорга сепилган



заҳарли кимёвий ўғитлар ҳавосидан нафас олиб улғайган болаларимиз тоғли ўлкаларнинг қояларида сакраб ўсган, ўрмонларнинг бегубор ҳоваларидан ўпкаси озикланган йигитлар билан тенг бўла олмасди. Бу тенгсизликнинг ҳўрлиғи бир, икки йил эмас, нақ уч йил давом этарди. Урушини-ку, тушуна бўлади, лекин тинч замонда ҳам аскар нобуд бўладими? Калтақдан... Оналаримиз бу ҳақоратнинг ҳам азобини тортмадими? Майли, бундай ўлимлар ўнча эмас, битта бўлсин, барибир, шу битта ҳодиса ҳам орқасида қанча азоб, армон қолдиради.

Қишлоғимизда Жамила опа исмли

дастурхонларида)нинг яхшилангани уларга шунчаки аскар, деб эмас, мустақил Ўзбекистоннинг қонулар билан ҳимояланган фуқароси, дея муносабатда бўлинаётганини далилламайдими? Айниқса, ҳарбийдаги йигитларимиз учун олий ўқув юртларига кириш имкониятларининг яратилаётгани, тайёргарлик қўриш, ҳўжжат топшириш учун шароитлар ҳўзирлангани биз қадрини билган “кадр” тушунчаси яна ва яна истиқлолнинг энг тотли меваларидан бири эканлигини кўрсатади.

“Афв” сўзи луғатимизда ҳамиша бўлган. Лекин истиқлол йилларида бу тушунча кимлар учундир ҳалоскорга айланди. Йилнинг муборак кунларида Президентимиз фармонига биноан, қилган жиноятидан чин дилдан пушаймон бўлган, қатъий тузалиш йўлига ўтган бир неча маҳкум, маҳкумалар бир неча бор афв этилди. Шу йилги Рамазон ҳаётида ҳам 100 нафар ҳибсдаги фуқаро бундай бағрикенглик боис, баъзилари муддатидан аввал оилаларига қайтди, баъзиларининг жазолари енгиллашди. Мен бир пайтлар ана шундай афвдан сўнг уйига отланиб турган 3. исмли водийлик аёл билан суҳбатлашганман.

— Биз учун, билиб-билмай жиноят қилиб қўйган маҳкумлар учун қоронғу йўлларимизни ёритиб турадиган, “милт-милт” этиб, соғинчдан қовжирган кўнглимизни қорлаб турадиган бир шамга айланми бу “афв” сўзи. Умри-мизда қўлимизга китоб олмаганимиз ҳам ўқишга интилдик, муассасамизда ўтаётган танловларда қатнашдик. Бор кучимиз билан яхши бўлишга, ичимизда яхшилик бор эканлигини кўрсатишга уриндик, — деган эди ўша аёл. Дарҳақиқат, афв — бу эзгулик, ундан эзгулик туғилмасинми...

Аёллар билан боғлиқ хуш, нохуш хотиралар ора кезинар эканман, яна бир ҳодиса эсимга келди. “Саодат” журналида ишлар эдим ўшанда ҳам. Раҳматли Халима олам — бош муҳаррири-миз вилоятлардан бирига тахририятга келган шикоятни текширишга жўнатди. Шикоятда ёзилишича, икки фарзандли аёлнинг устига эри (у киши техникумда дарс бера экан) ўзининг талабасига уйланиб олибди. Уйланигани етмагандай, семимлигини уйига олиб келибди. Болаларининг олдида аёлини ҳўрлар, хизматкор макомида муомала қилар экан. Тагин шикоятни жабрдидида аёлнинг ўзи эмас, дугонаси ёзган.

“Дугонам ҳам бир пайтлар талаба эди, гузал эди. Эри ўша пайтда уйлانган. Кейин ўқитмай қўйган. Мана энди “пуф сассик”қа чиқариб ўтирибди”, дея куюнган эди дугонаси.

Мен бориб аввал шикоят ёзган аёл, кейин қолганлар билан гаплашдим. Ёнимда хотин-қизлар билан ишлайдиган мутахассис...Техникум директори

билан учрашмоқчи бўлсам, ҳамроҳим:

— Директор, “Опага бир кийимлик атлас бериб жўнатиб юборинглар”, деди. Бу гапни чувалаштириб юрмай кета қўлинг экан... — деса бўладими... Ана, сизга шикоятга бўлган муносабат... Мен ҳозир бу шикоят (кейинчалик Халима опамнинг ўзи аралашган бу масалага) тафсилотлари ҳақида гапириб ўтирмоқчи эмасман. Фақат ҳозир, кейинги йилларда нуфузли ишчи комиссиялар уйма-уй, кўчама-кўча юриб, одамлар ҳаётини ўрганаётганини, имкон қадар улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиб бераётганини айтмоқчиман. Сайёр қабуллар, инсон тақдирини ҳал қилувчи нукталарда фаолият олиб бораётган мансабдорларнинг оддий одамлар билан юзма-юз мулоқотлари — буларнинг ҳаммаси одам боласига ўзини инсондай ҳис қилиши учун берилган имкониятлардир. Бу имкониятлар ичига чуқурроқ кирсак, залворли-залворли рақамлар кириб келади.

“...Й-жой сотиб олиш учун 1 минг 250 нафар опа-сингилмизга қарийб 22 миллиард сўмлик бошланғич бадаллар тўлаб берилди”, “Қарийб 55 минг нафар хотин-қиз тадбиркорлик ва касб-хўнаур марказларида ўқитилди, ҳўнамандчилик ва касаначиликка жалб этилди”, “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида 126 мингга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар берилди”.

Бу рақамлар шунчаки сонлар эмас, ҳар бирининг орқасида инсон қадри турибди. Чунки иш ҳам, касб ҳам, агар виждоний ёндашилса, кишига фақат даромад эмас, қадр келтирувчи омиллардир.

Бир пайтлар ҳукумат тарафидан у қадар назарга олинмайдиган ҳўнар-мандчиликнинг халқаро қизиқишларга сабаб бўладиган даражага олиб чиқилгани, аёнанавий фестиваллар ўтказилгани, тор доирадаги санъат, фақат бир миллат, бир худудга хос санъат, дея йўллари торайтириб ташланган макомнинг юксакларга кўтарилгани, тўйгулар тарбиячиси, дея улғунгани — ҳаммаси бизга хос, халқимизга хос неки гузал яралмишлар бўлса, барчасининг кадр топаётганидан далолатдир.

Бозоридан озори, берганидан олгани кўп бўлса-да, кечаги кунга ёзилиб қолган яхшиликлар устидан ҳам бутунлай қора чизиқ тортиб бўлмайди. Демак, кечамиз қоп-қора бўлмаганидек, бугунимизда ҳам ҳамма нарса гул-гулистон эмас. Президентимиз эришилган ютуқлар, олдимизда турган бизафалар ҳақида гапирганда ҳар гал, “Булар жуда осонлиқда бўладиган ишлар эмас, ҳаммаси қийин, ҳаммаси биздан фидойилик, яна ва яна фидойилик талаб қилади”, тарзидаги фикрларни бежиз тазкидламайди. Яшаш шароитлари шунчалар яхшиланганига қарамай, жиноятчилик иллатларининг қамаймаётгани, баъзи жигарларнинг орасидан меҳр-оқибат кўтарилаётгани, эришганларимизга айрим ҳолларда нописанд муносабатда бўлаётганимиз, борики кадрламаётганимиз, миллатимизнинг рухий устун бўлган андиша, ҳаё каби қадриятлардан айримлари-мизнинг узоклашиб бораётганимиз, ишчанлик кайфияти ёнида боқимандалик кайфиятининг яшаб келаётгани... Бунга ўхшашан нохушликлар ҳам оз эмас. Биз қўпична бундай ҳолатларда кимнидир, кимларнидир айблаимиз. Аслида ҳар ким ўзи, ўз оиласи, қўли, кучи етган жойни кўнгилсизликлардан асрасса, ҳўмоа қилса, ҳаёт ҳам, руҳият ҳам тобора тозариб бораверади.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллигимиз, бугун навқирон 30 ёш яшаган истиқлолимиз бизга қадр берганидай, биз ҳам унинг ҳар лаҳзасини қадрласак, унга чинакам меҳримиз, муҳаббатимизни берсак, миллатимиз манглайига битилган бу бебаҳо неъмат — озодлигининг умри боқий бўлади.

Акмал РЎЗИТОВЕВ,
Тошкент шаҳар ҳокими
маслаҳатчиси

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун сенаторлар томонидан бир овоздан маъқулланди. Мухокама чоғида билдирилган фикрларда давлат тилига ҳурматни қонун билан мустаҳкамлаш зарурати сенаторлар томонидан рад этиб бўлмайдиган даражада асослаб берилди.

Давлат тили, аввало, Президентимизнинг маънавий-маърифий йўналишдаги давлат сиёсатининг устувор масаласи экани алоҳида қайд этилди. Ялпи мажлисда мамлакат истиқболининг янги даврида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга доир тизимли чора-тадбирлар белгиланди.

Ана шу чора-тадбирларнинг муҳим таркибий қисми ўлароқ, нафақат давлат органлари ёки ваколатли ташкилотлар, балки барча даражадаги жамоат ташкилотларидан тортиб ҳар бир фуқарогача масъулият ва жа-вобарлик юкланиб, хусусан, давлат тилига ҳурматсизлик қилиш, уни қамситиш ва бузиб талқин этишга йўл қўйилмаслиги қонунан мустаҳкамлаб қўйилди. Бинобарин, янги қонун ўзида давлат тилининг мавқеини юксалтиришнинг барча жиҳатларини қамраб олган, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон — қўп миллатли давлат. Биз халқимиз билан узоқ йиллар ҳамжиҳатликда яшаб, меҳнат қилиб келаётган барча миллат ва элатларнинг тилларини ҳамиша ҳурмат қилганимиз ва уларнинг барча ҳақ-хўқуқлари учун мамлакатимизда зарур шароитлар ярати-б келинган ва мазкур янги қонунда ҳам бу аёнана сақланиб қолиши назарда тутилган.

Бугун фан ва техника ривожланиб, инсон ақл-идроки янги-янги уфқлар сари парвоз қилар экан, биз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини амалга оширишда она тилимизга янада эътиборли бўлишимиз сув ва ҳаво-дек зарурлиги аён бўлади.

Президентимиз ташаббуси ва қатъий иродаси туфайли юртимизда она тилимиз билан боғлиқ мавжуд ҳолатлар ўзгармоқда. Демак, аввало, ўзимиз, миллатнинг ҳар бир вакили ўзини, қалбини, дунёқарашини ўзгартириши, янгилаши мақсадга мувофиқдир!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-80 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2294.
76851 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов
Мусаххих: Асолат Шербекова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 01:40 Топширилди — 03:05